



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 9 январь, № 4 (6962) Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингизга орқали сканер қилинг.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Муҳтарам Шавкат Миромонович! Азиз қардошим!**

Туркманистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сиз ва бутун қардош Ўзбекистон халқини самимий табриклаш ва эзгу тилакларини йўллаш мен учун улкан шароф.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён ўтган 25 йилда қардошлик алоқаларимиз фаол ривожланди ва изчил мустақамланган бормоқда. Давлатлараро муносабатларнинг бугунги юксак даражасини қайд этар эканман, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро англашув тамойилларига асосланган ҳамкорлик янада жадал ва изчил, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик руҳида ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантириш эканмиз, биз туркман ва ўзбек халқлари ўртасида шаклланган азалий қардошлик ва ўзаро ҳурмат айналарига, маънавий ва тарихий қадриятлар муштараклигига, давлатларимизнинг халқаро муносабатларда тинчликсеварлик ва инсонпарварлик тамойилларига содиқлигига таянамиз. Бугунги кунда мамлакатларимиз нафақат икки томонлама, балки халқаро тузилмалар доирасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Глобал ва минтақавий миқёсдаги нуфуз-

ли ташкилотлар доирасида мамлакатларимиз томонидан илгари сурилатилган халқаро ташаббус ва тақлифлар ўзаро қўллаб-қувватланаётгани шундан далолат беради. Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Маданият, илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлик тобора кенгаймоқда ва мустақамланмоқда. Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркманистон — Ўзбекистон қўшма комиссиясининг фаолияти бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ҳурматли Шавкат Миромонович!**

Туркманистон мамлакатларимиз ўртасидаги вақт синовидан ўтган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий алоқаларни бундан буён ҳам мустақамлашга тайёр. Ишонаманки, Туркманистон ва Ўзбекистон муносабатлари келажакда ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида муттасил ривожланиб бораверади.

Азиз қардошим, мактубим яқинда Сизнинг Туркманистон — Ўзбекистон ҳамкорлигига шахсан қаратаётган алоҳида эътиборингиз учун миннатдорлик билдиришга, Сизга мустақам соғлиқ, давлат раҳбари сифатида қардош Ўзбекистон Республикаси тараққиёти ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Юксак ҳурмат билан,  
**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**  
Туркманистон Президенти

## «Шавкат Мирзиёев ўз ваъдасини бажаришда қатъий эканлигини намоён этди»

Буюк Британиядаги номдор "fDi Magazine" журналида Ўзбекистонга бағишланган мақола нашр қилинди. Бош муҳаррир ўринбосари Якопо Деттони қаламига мансуб материалда Ўзбекистон валюта бозорининг либераллашуви сиёсати таҳлил этилган.

### ЭТИРОФ

Муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатга хорижлик сармоядорларни қайтариш бўйича кенг камровли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбари хорижий сармоялар учун энг асосий тўсиқлардан бирини бартараф этиш мақсадида кўп йиллик кучли валюта назоратидан воз кечди.

Ўзбекистон валюта режими ўтган йиллар давомида халқаро аққаланиш завомида бўлса-да, миллий sanoatни илгари суриш мақсадида тузилган кучли молиявий назорат тизимининг марказий қисми эди. Бироқ сўнгги йиллар давомида ўзбек сўмининг расмий курси билан "қора бозор" баҳоси ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ўсиб кетганидан сўнг бу тизим борган сари самарасиз бўлиб қолди, деб ёзади британиялик эксперт. 2017 йил бошида



Президент Шавкат Мирзиёев валюта алмашуви либераллаштирилишини эълон қилгани ҳолда, бу тажрибага барҳам берди. Хорижлик кузатувчилар мазкур молиявий жараёни муносиб эътироф этдилар.

"Control Risks" консалтинг фирмасининг Россия Федерацияси ва МДҲ бўйича етакчи ҳамкори Тим Стэннинг баён этишича, ушбу чора "муайян босқичда тўрт хил алмашув курси амал қилган (Марказий банк, пул айирбошлаш шохбаси, биржа ва "қора бозор" баҳоси) бу тизимга хос бўлган йўлни сармоядорлар учун кўпгина фирибгарлик ва коррупция хатарларидан тозалайди. Бу тўғри йўналишдаги зарур чора эди".

Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш бўйича ўз ваъдасини бажаришда қатъий эканлигини намоён этди. Ўзбекистон Президенти "пахта далаларида мажбурий меҳнатга барҳам берди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки сингари халқаро институтлар билан ўзаро муносабатларни қайта тиклади, шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш асосида маъмурий тизимни ислоҳ этишга интилоқда".

"fDi Magazine" журнали "Moody's" халқаро рейтинг агентлигининг 2017 йил 11 сентябрдаги маърузасига мувожабат этар экан, сўмининг қадр-қиммати бўлган ишончли тиклаш мақсадларидаги пул-кредит ва фискал сиёсатини самарали амалга ошириш, пул қадр-қиммати тўғрисидаги тўғри ва иқтисодиётни мустақамлаш фавқуллода мураккаб кечадиган, деган фикрларни ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилган.

"Жаноб Мирзиёев орта чекимчи, хавф-хатарларга пешвоз чиқди", дея хулоса қилади Буюк британиялик таҳлилчи.

«Жаҳон» АА.

## Қонун устуворлигини таъминлаш — пировард мақсад

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кўнига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Унда Бош прокуратура, Ҳарбий прокуратура, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛКК департаменти, Мажбурий ижро бюроси ходимлари, тизим фахрийлари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар вакиллари, вилоят прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек, Бўлажак прокурорлар клуби аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган йўналишлар ижросини рўйбаг чиқариш, жумладан, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқилган манфаатларини ҳимоялаш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида прокуратура органлари олдида муҳим вазифалар турганини алоҳида қайд этди.

Тадбирда фидокорона ва ҳалол меҳнатлари билан жиноятчиликка қарши курашиш ва қонунийликни

таъминлаш, юридик кадрларни тайёрлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаятган ҳамда хизмат вазифасини намунали бажараётган ходимлар, олий таълим муассасалари ректорлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар вакиллари рағбатлантирилди.

Шу кўни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази иш бошлади. Мазкур марказнинг очилиш маросимида сўз олганлар юртимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаси фаол ислоҳ қилинаётганини алоҳида қайд этишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси бу борада мустақам замин бўлмоқда. Мазкур дастуриламал ҳужжат доирасида давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олган 30 дан ортиқ қонунлар, 900 дан зиёд қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга қизиб қилиши керак", деган ғоя ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

(Давоми 4-бетда).

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

### Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир

Самарқандда мазкур шиор остида ўтказилган "Ёшлар ва армия" фестивали қатнашчиларда унутилмас таассуротлар қолдирди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ўса) оғзингиз.

Президентимизнинг 2017 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 26 йиллиги ва Ватан Ҳимоячилари кўни байрамининг тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ, юртимиз бўйлаб ушбу айёмга бағишланган маънавий-маърифий, маданий тадбирлар "Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шиори остида уюштирилмоқда.

Хусусан, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар

иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинган акцияда Самарқанд гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар хизматчилари, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлиқ-муҳандислик билим юрти курсантлари, мудофагага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти мактаблари тингловчилари, вилоятдаги таълим муассасалари талаба ҳамда ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Фестивалда ҳарбий техникалар, мудофагага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг спорт-транспорт воситалари ва ҳарбий хизматчилар Регистон майдони олдида Кўксарой май-

донигача сафда юриб боришди. Уларни Регистон, Бўстонсарой кўчалари ҳамда Университет хиёбонида шаҳар аҳолиси, минглаб ёшлар кузатиб турди.

Аскарлар билан суҳбатлашдик, ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар билан танишдик, — дейди Самарқанд автомобиль йўллари касб-хунар коллежи ўқувчиси Ибрагим Тоҳиров. — Бу бизда унутилмас таассурот қолдирди. Менда ҳарбий бўлиш истаги янада кучайди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Т. Жураев иштирок этди.

Мамадиёр ЗИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Хориждаги таниқли ўзбек кардиожарроҳи Ватанига қайтди

Халқаро тиббиёт доираларида таниқли бўлган кардиожарроҳ, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Қаландар Бобонозов Ватанга қайтиш ва юрдошлари саломатлиги йўлида ўзининг касб фаолиятини давом эттиришга қарор қилди.

### ИМКОНИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хориждаги юрдошларимизни

Ватан равақига ўз хиссаларини қўшишга даъват этгани кейинги

йиллар давомида Украина тиббиёт фанлари академиясининг Н. Амосов номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги Миллий институтида бош маслаҳатчи бўлиб ишлаётган шифокорнинг ана шундай қарорга қилишига сабаб бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг камровли ислохотлар, шу жумладан,

соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар ҳам юқори малакали мутахассиснинг ушбу қарорига туртки бўлди. Шунинг қайд этиш жоизки, Қ. Бобонозов Ўзбекистонда биринчи бўлиб Фонтен, Глен Биглен операциялари тажрибасини, мураккаб туғма юрак нуқсонини ҳолатида артериал жарроҳлик, юрак-ишемик касаллиги бўлгани

ҳолатида ишлаб турган юракда аортокоронар шунт ўрнатишни амалиётда қўллаган, яъни алоҳида хизмат кўрсатган шифокордир. У 2002 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвонига сазовор бўлган.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 14 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-бош. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

**2-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгилوшни қонун ҳужжатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳолатини ёмонлаштирмайлик керак.

Маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишга доир ушбу Қонун билан бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу Қонун нормалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганда бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий ҳолатларни чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**манфаатдор шахс** — қабул қилинмаган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс;

**маъмурий иш юритиш** — маъмурий тартиб-таомил орқали тартибга солинган маъмурий ишни қўриб чиқиш, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, уни маъмурий шикоят бўйича қайта қўриш, шунингдек маъмурий ҳужжатни ижро этиш жараёни;

**маъмурий ихтиёрлик (дискрецион ваколат)** — маъмурий органнинг қонун ҳужжатлари доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳуқуқи;

**маъмурий органлар** — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар;

**маъмурий тартиб-таомил** — маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солиш процессуал қоидалари;

**маъмурий ҳаракатлар** — маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

**маъмурий ҳужжат** — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян ҳусусий белгиларига кўра ажратилгандаги шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси;

**маъмурий-ҳуқуқий фаолият** — айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян ҳусусий белгиларига кўра ажратилгандаги шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолияти;

**процессуал ҳужжат** — маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритиш давомида қабул қилинадиган, маъмурий ишни мазмунан ҳал этмайдиган ҳужжат.

**5-модда. Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари**

Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- мутаносиблик;
- ишончлилик;
- тингланиш имкониятининг мавжудлиги;
- маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги;
- манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунолиги;
- биюрократик расмийчиликка йўл қўйилмаслиги;
- мазмунан қамраб олиш;
- маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши;
- тенг ҳуқуқлилик;
- ишончнинг ҳимоя қилиниши;
- маъмурий ихтиёрликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги;
- текшириш.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

**6-модда. Қонунийлик принципи**

Маъмурий тартиб-таомиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

**7-модда. Мутаносиблик принципи**

Маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари маъмурий орган томонидан қўланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак.

**8-модда. Ишончлик принципи**

Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси ишқонлигини қадар ишончли қоилбонади.

Манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, маъмурий орган уларнинг ишончлигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш учун чоралар кўради.

Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслардан улар тақдим этган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг ишончлигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқланади.

**9-модда. Тингланш имкониятининг мавжудлиги принципи**

Маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши шарт.

**10-модда. Маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги принципи**

Маъмурий тартиб-таомиллар очиқ, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли бўлиши лозим.

Маъмурий органлар маъмурий тартиб-таомиллар ҳақидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар орқали эркин фойдаланилишини таъминлаш шарт.

**11-модда. Манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устуңлиги принципи**

Маъмурий иш юритиш давомида юзага келадиган, қонун ҳужжатларининг бартафат этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилари ва ноанхликлари манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилинади.

**12-модда. Бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги принципи**

Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади.

Агар манфаатдор шахс виждонан ҳаракат қилган, ўз мажбуриятларини мазмунан бажарган бўлса ҳамда расмий қоидалар ва талабларнинг йўл қўйилган бўлишиларни маъмурий ишни мазмунан тўғри ҳал қилишга тўққинлик қилмаса, манфаатдор шахс томонидан расмий қоидалар ва талабларга риоя этилмаганлиги номувофиқ маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

**13-модда. Мазмунан қамраб олиш принципи**

Маъмурий органлар манфаатдор шахсларга илгари ушбу шахслар томонидан бошқа ҳаракатлар доирасида бажарилган талабларни қўйишга ҳақиқ эмас.

Агар маъмурий органга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар маъносига қўра бошқа зарур ҳужжатлар мазмунини ўз ичига оласа, ушбу ҳужжатлар қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмас.

Агар амалга оширилган маъмурий тартиб-таомил маъносига қўра бошқа маъмурий тартиб-таомилларни ўз ичига оласа, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда улар ҳам амалга оширилган деб ҳисобланади.

**14-модда. Маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши принципи**

Маъмурий органга маъмурий тартиб-таомилни амалга ошириш учун бошқа маъмурий органлардан ҳамда ўзга органлардан ҳужжатлар ва маълумотлар олиш талаб этилган ҳолатларда, маъмурий иш юритиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилиб, бунда маъмурий орган зарур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, манфаатдор шахсларнинг иштирокисиз, идоралараро ўзаро ҳамкорлик воситасида олади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

**15-модда. Тенг ҳуқуқлик принципи**

Маъмурий органларга бир хилдаги ҳақиқий ҳолатларга эга маъмурий ишларни ҳал этишда тенг бўлмаган ёндашуви намойён этиш тақиқланади.

Ҳақиқий ҳолатлари бўйича жиддий фарқланадиган маъмурий ишларни бир хил тарзда ҳал этишга йўл қўйилмайди.

Маъмурий орган маъмурий иштирокини (дискрецион ваколатни) бир хил усулда амалга ошириши шарт. Ушбу қонунда маъмурий иштирокини (дискрецион ваколатни) амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шаклланган маъмурий амалиёт ўзгартирилиши истисно эътамайди.

**16-модда. Ишончининг ҳимоя қилиниши принципи**

Виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини қонун билан қўриқланади.

Маъмурий органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурий амалиёт билан боғлиқ қонуний қўриқланган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурий амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусятга эга ва барқарор бўлиши керак.

**17-модда. Маъмурий иштирокининг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципи**

Маъмурий орган маъмурий иштирокини (дискрецион ваколатни) қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шарт.

Маъмурий иштирокилик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадида мос келиши керак.

**18-модда. Текшириш принципи**

Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт.

Зарурат бўлганда, маъмурий орган манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган далиллар билан чекланмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ташаббуси билан қўшимча далиллар йиғишга ҳақли.

**19-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларининг қўлланилиши**

Маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта қўриб чиқишига олиб келади.

**2-боб. Маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидалари****20-модда. Маъмурий ишларнинг тааллуқчилиги**

Маъмурий органлар маъмурий иш юритишни қонун ҳужжатларида ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан амалга оширади.

Маъмурий ишларнинг тааллуқчилиги тўғрисидаги ниҳозлар маъмурий органлар учун юқори туровчи ҳисобланган орган ёки махсус ваколатли орган томонидан ҳал этилади.

**21-модда. Идоралараро ҳамкорлик**

Идоралараро ҳамкорлик маъмурий органнинг қўмақлашиш тўғрисидаги сўрови асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бўйсунув муносабатлари бўлган маъмурий органлар ўртасидаги муносабатлар идоралараро ҳамкорлик ҳисобланмайди.

Маъмурий органнинг қўмақлашиш тўғрисидаги сўрови самаралироқ тарзда тегишли ёрдам кўрсата оладиган ваколатли маъмурий органга йўлланиши керак.

Маъмурий органнинг қўмақлашиш тўғрисидаги сўровига жавоб берилмаганлиги маъмурий ишнинг ҳал этилишига тўққинлик қилмаслиги керак.

**22-модда. Маъмурий иш юритиш иштирокичилари**

Маъмурий иш юритиш иштирокичилари қуйидагилардан иборат:

- маъмурий орган;
- қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки амалга оширилаётган маъмурий ҳаракат ўзига қаратилган шахс (бундан буюн матнда адресат деб юритилади);
- ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс (бундан буюн матнда ўчинчи шахс деб юритилади).

Маъмурий орган ўчинчи шахсларни маъмурий иш юритишда иштирок этишига ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахсининг илтимосномасига қўра жалб қилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ўчинчи шахслар маъмурий иш юритишда иштирок этишга мажбурий тартибда жалб этилади.

**23-модда. Маъмурий иш юритишда вакиллик**

Юридик шахслар маъмурий иш юритишда қонун ҳужжатларида, таъсис ҳужжатларида ёки қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада белгиланган ваколатлари доирасида ҳаракат қилувчи ўз вакиллари орқали иштирок этади.

Жисмоний шахслар маъмурий иш юритишда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши мумкин, бундан қонун ҳужжатларида уларнинг шахсан иштирок этиши зарурилик назарда тутилган ҳолатлар мустасно. Вакилнинг иштирок этиши жисмоний шахсни маъмурий иш юритишда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада баён этилиши керак.

Манфаатдор шахсининг вакили маъмурий иш юритишга тааллуқли барча ҳаракатларни ўзи вакилилик қилаётган шахс номидан бажаришга ваколатлидир, шунингдек, агар қонунда ёки унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий иш юритишнинг ўзи вакиллик қилаётган иштирокчиси эга бўлган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

**24-модда. Манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Манфаатдор шахслар маъмурий иш материаллари билан танишиш, улардан қўчималар олиш, нусха қўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, маъмурий иш юритишда иштирок этишчи бошқа шахсларга саволлар бериш, маъмурий иш юритиш бўйича арз қилиш, илтимосномалар бериш, маъмурий органга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш; маъмурий иш юритиш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича ўз вахларини баён этиш, бошқа манфаатдор шахсларнинг аризалари, илтимосномалари ва важдарига қарши эътироз билдириш, маъмурий ва процессуал ҳужжатлар, шунингдек маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Манфаатдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Манфаатдор шахслар ушбу ҳуқуқ беришга процессуал ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши ва қонун ҳужжатларида ўз зиммасига юқлатилган мажбуриятларни бажариши керак.

**25-модда. Маъмурий иш юритиш олиб бериладиган тил**

Маъмурий органда маъмурий иш юритиш ўзбек тилида, қоракалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Маъмурий иш юритиш иштирокичилари маъмурий иш юритишда иштирок этиш ва маъмурий иш материаллари билан танишиш чоғида, зарурат бўлганда, таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин, шунингдек улар ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқига эга.

**26-модда. Маъмурий иш юритишда ҳуқуқий ворислик**

Манфаатдор шахслардан бири маъмурий иш юритишдан маъмурий ҳужжат қабул қилинганга қадар чиқиб кетган тақдирда, маъмур шахсини унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиришга, агар бундай ҳуқуқий ворислик қонун ҳужжатларида мувофиқ мумкин бўлса, йўл қўйилади.

Маъмурий орган ўзгартирилган, тугатилган ёки унинг номи ўзгартирилган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилади.

Ҳуқуқий ворис маъмурий ишга киришунга қадар маъмурий иш юритиш давомида амалга оширилган барча ҳаракатлар ўрнини буютиб берган манфаатдор шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

**27-модда. Маъмурий ишнинг ҳал қилишга қўмақлашувчи шахслар**

Маъмурий ишнинг ҳал қилишга қўмақлашувчи шахслар (гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва бошқалар) маъмурий иш юритишга иштирокилик ёки шартнома асосида маъмурий орган томонидан ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосномасига қўра, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда жалб қилинади.

Маъмурий орган гувоҳ, эксперт ва таржимонни билад туриб ёлгон кўрсатувлар, нотўғри эксперт хулосалари берганлик ҳамда нотўғри таржима қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида оғохлантириши шарт.

**28-модда. Маъмурий иш юритишда гувоҳ**

Маъмурий ҳужжатни қабул қилишда аҳамиятга эга бўлган маълумотларни баён этиш ёки маъмурий органнинг мансабдор шахси томонидан муайян ҳаракатларнинг амалга оширилиши фактини гувоҳлантириш учун гувоҳ маъмурий иш юритишга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, иштироки тартибда жалб қилиниши мумкин.

Гувоҳ ўз хоҳишига қўра оғзаки ёки ёзма кўрсатувлар беради. Гувоҳнинг оғзаки кўрсатувлари маъмурий орган томонидан тегишли баённомада баён этилади.

**29-модда. Маъмурий иш юритишда эксперт**

Маъмурий орган фахр, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар талаб этиладиган масалалар юзасидан хулоса бериш учун экспертиза тайинлаш мумкин.

Экспертлар тайинлаш ва экспертлар томонидан тушунтирилиши керак бўлган масалалар доирасини аниқлаш чоғида маъмурий иш юритишнинг барча иштирокичилари фикри инобатга олинади.

Эксперт экспертиза предметида тааллуқли маъмурий иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки қўчирма нусхалар олиш, маъмурий иш юритишда иштирок этишчи шахсларга ва гувоҳларга саволлар бериш, жойида қўздан кечиришда, аттестация-имтиҳон тадбирларида ҳамда эксперт баҳолашдадан ўтказишга қаратилган бошқа ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Эксперт, агар унга тақдим этилган материаллар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса ёки эксперт ўз зиммасига юқлатилган мажбуриятни бажариш учун зарур билимларга эга бўлмаса, хулоса бериши рад этиши мумкин.

Эксперт ўз текширишларининг натижаларини бўйича эксперт хулосасини тақдим этади. Маъмурий органнинг ёки маъмурий иш юритишдаги бошқа иштирокичиларнинг талабига қўра эксперт ўз хулосаси юзасидан қўшимча тушунтиришлар бериши керак.

**30-модда. Маъмурий иш юритишда мутахассис ва таржимон**

Мутахассис далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлашда маъмурий органга қўмақлашиш ёки фикр шаклида тушунтиришлар бериш учун маъмурий иш юритишга жалб қилинади. Мутахассис, агар у зарур билим ва қўчималарга эга бўлмаса, маъмурий иш юритишда иштирок этишдан бош тортишга ҳақли.

Таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни, шу жумладан қар-соқовларнинг имо-ишораларини биладиган шахс таржимондир.

**31-модда. Маъмурий иш юритишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи ҳолатлар**

Маъмурий органнинг мансабдор шахси маъмурий орган номидан маъмурий иш юритишда иштирок этишга қўйидаги ҳолатларда ҳақли эмас, агар у:

- маъмурий иш юритишда иштирок этишчи манфаатдор шахслардан бири билан қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва қанда-андачилик муносабатида бўлса (бўлган бўлса);
- маъмурий иш юритишда иштирок этишчи манфаатдор шахслардан бирининг вакили бўлса ёки илгари унинг вакили сифатида айна шу маъмурий иш юритишда иштирок этган бўлса;

маъмур маъмурий иш юритишда маъмурий ишнинг ҳал этишга қўмақлашувчи шахс сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса;

бошқача тарзда шахсан, бевосита ёки билвосита маъмурий ишнинг ҳал этиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг ҳолисисига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Маъмурий ишнинг ҳал этишга қўмақлашувчи шахсларни рад қилиш тўғрисида ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, ўчинчи, тўртинчи ва олтинчи қисмига таъсир қилувчи маъмурий ишнинг ҳал этишга қўмақлашувчи шахсларнинг маъмурий ишнинг қўриб чиқиб қилиниши маъмурий органнинг мансабдор шахсига, маъмурий иш юритишнинг бошқа иштирокичиларига ёки уларнинг вакилларига хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда тобе бўлганлиги асосида арз қилиниши мумкин.

**32-модда. Рад қилиш**

Маъмурий иш юритишда иштирок этишчи манфаатдор шахслар ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий органнинг мансабдор шахси ва маъмурий ишнинг ҳал этишга қўмақлашувчи шахсларни рад қилиш тўғрисида ёзма шаклда ариза беришга ҳақли.

Рад қилиш асосланганлиги бўлиши ва бу ҳақда маъмурий ҳужжат қабул қилинганга қадар маъмурий иш юритишнинг исталган босқичида ариза берилиши мумкин.

Маъмурий органнинг мансабдор шахсини рад қилиш тўғрисидаги ариза рад қилиш билдириладиган мансабдор шахсга ёхуд маъмурий иш юритиш коллегиял орган томонидан амалга ошириладиган бўлса, коллегиял органнинг раисига берилади. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қабул қилган маъмурий органнинг мансабдор шахси бир иш куни ичида маъмурий ишнинг қўриб чиқиши тўхтатиши ва рад қилиш тўғрисидаги аризани рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинганга қадар рад қилиш тўғрисидаги ариза қўйиладиган ваколатли бўлган шахсга қўриб чиқиш учун бериши керак.

Рад қилиш тўғрисидаги ариза бўйича қарорни ўзига нисбатан рад қилиниши ҳақида арз қилинган мансабдор шахсининг бевосита раҳбари, агар рад қилиш маъмурий органнинг мансабдор шахсига нисбатан арз қилинган бўлса, юқори туровчи орган ёки бошқа ваколатли орган қабул қилади. Маъмурий иш юритиш коллегиял орган томонидан амалга ошириладиган бўлса, рад қилиш тўғрисидаги ариза бўйича қарор ушбу орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Рад қилиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиш юзасидан овоз беришда коллегиял органнинг ўзига нисбатан рад қилиш тўғрисида ариза берилган аъзоси иштирок этамайди. Агар рад қилиш коллегиял органнинг бутун таркиби нисбатан арз қилинган бўлса, рад қилиш тўғрисидаги қарор худди шу орган томонидан тўлиқ таркибда оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Маъмурий ишнинг ҳал этишга қўмақлашувчи шахсларни рад қилиш тўғрисидаги ариза маъмурий иш юритишнинг амалга ошириладиган ҳамда ушбу ариза бўйича тегишли қарор қабул қилинадиган маъмурий органнинг мансабдор шахсига берилади.

Рад қилиш тўғрисидаги қарор рад қилиш ҳақида ариза берилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмасдан қабул қилиниши керак.

Маъмурий ишнинг қўриб чиқиб қилиниши маъмурий органнинг мансабдор шахсини, коллегиял орган аъзосини ёки коллегиял органнинг бутун таркибининг рад қилиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, бир вақтнинг ўзида ушбу маъмурий ишнинг қўриб чиқишга ваколатли бўлган шахс (коллегиял орган) тайинланади.

Ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлса, маъмурий органнинг мансабдор шахси, шунингдек маъмурий ишнинг ҳал этишга қўмақлашувчи шахслар ўзини рад қилиш тўғрисида дарҳол арз қилиши шарт.

**33-модда. Тегишли тарзда хабардор қилиш**

Хабарномани топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юбориш ёки тилхат олиб топшириш

ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиш маъмурий иш юритишда тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланади. Тегишли хабарнома манфаатдор шахс томонидан олинган пайт хабардор қилиш вақтидир.

Манфаатдор шахслар ўз манзили ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органга маъмурий ишни юритиш вақтида маълум қилиши шарт. Бундай маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, хабарлар маъмурий органга маълум бўлган охириги манзилга юборилади ҳамда етказиб берилган деб ҳисобланади.

Агар манфаатдор шахслар ўз телефонлари ва факслари рақамларини, электрон манзилни маъмурий органга маълум қилган бўлса, улар бу маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органини маъмурий иш юритиш вақтида ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши керак.

Хабарномани манфаатдор шахсга тилхат олиб шахсан топширилиши имкони бўлмаган тақдирда, хабарнома у билан бирга яшайдиган воёга етган оила аъзоларидан бирига ёки бундай шахслар бўлмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органга ёки манфаатдор шахсининг иш беворчисига (таълим муассасаси маъмуриятига) тилхат олиб топширилиши мумкин. Хабарномани қабул қилган шахс имконият бўлиши билан уни кечиктирмасдан манфаатдор шахсга топшириши шарт.

Хабарномани қабул қилиниши рад этган манфаатдор шахс тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади. Рад этиш хабарномага белги қўйиш орқали расмийлаштирилади ва хабарнома маъмурий органга қайтарилади. Манфаатдор шахсининг хабарномани қабул қилиниши рад этганини тўғрисидаги белги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки манфаатдор шахсининг иш б



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида

⟨(Давоми. Бошланғичи 1, 2, 3-бетларда).⟩

5-боб. Маъмурий шикоят бўйича иш юритиш

62-модда. Маъмурий шикоят предмети

Ушбу бобда белгиланган тартибда: маъмурий ҳужжатлар устидан; процессуал ҳужжатлар устидан, агар уларнинг устидан шикоят қилиш ушбу Қонунда назарда тутилган бўлса; маъмурий ҳаракатлар устидан, шу жумладан маъмурий ҳужжати қабул қилишни рад этиш ёки уни тегишли муддатда қабул қилмаганини устидан шикоят қилиниши мумкин.

63-модда. Маъмурий шикоят қилиш тартиби

Манфаатдор шахс маъмурий шикоятни қонун ҳужжатларида мувофиқ маъмурий шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий органга ёки бошқа ваколатли маъмурий органга устидан шикоят қилинаётган маъмурий ҳужжати, процессуал ҳужжати қабул қилган ёхуд маъмурий ҳаракатни амалга оширган маъмурий орган орқали бериши мумкин.

Маъмурий шикоятни олган маъмурий орган у қилиб тушган пайдан эътиборан уч иш кунини ичиди маъмурий шикоятни юқори турувчи органга ёки ушбу маъмурий шикоятни кўриб чиқишга ваколатли бўлган бошқа маъмурий органга маъмурий иш билан бирга юборилади.

Манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат устидан берилган маъмурий шикоятни маъмурий тартибда кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган ёки юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган тақдирда, маъмурий ҳужжат устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжат устидан маъмурий шикоят берилиши мумкин бўлган бошқа орган белгиланиши мумкин.

64-модда. Маъмурий шикоятни бериш муددати

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий шикоят маъмурий ҳужжат, процессуал ҳужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайдан ўтказиб бериладиган маъмурий ҳужжат ёки бошқа маъмурий ҳужжат устидан берилган пайдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

Маъмурий шикоят бериш муددати, агар у зарур сабабга кўра ўтказиб юборилган бўлса, шикоятни кўриб чиқувчи маъмурий орган томонидан тиланиши мумкин.

65-модда. Маъмурий шикоятнинг шакли ва мазмуни

Маъмурий шикоят ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда берилади ва унда қуйдагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) маъмурий ҳужжати қабул қилган маъмурий органнинг номи;
- 2) шикоят берган аризачининг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса — унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) аризачининг талаблари;
- 4) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);
- 5) ариза берилган сана.

Маъмурий шикоят манфаатдор шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган маъмурий шикоятда ушбу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари манфаатларини кўзлаб шикоят берилаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг манзили ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборот кўрсатилиши керак.

Қонун ҳужжатларида маъмурий шикоятга ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга доир бошқа талаблар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий орган маъмурий шикоятга ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар қўйишга ҳақли эмас.

Жисмоний шахс оғзаки шикоят қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжати, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжати тарзда ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятларда аризачининг электрон манзили ва ягона идентификатори, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса электрон рақамли имзо ва бошқа референтлар кўрсатилиши керак.

Шикоятда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги аризачининг хабарномаларни ахборот тизими орқали электрон шаклда қабул қилишга бўлган розилигидир.

66-модда. Маъмурий шикоятни кўриб чиқиш

Маъмурий шикоят ушбу Қонуннинг 3-бобида назарда тутилган ҳолларда бўйича кўриб чиқилади.

Маъмурий шикоятни кўриб чиқиш чоғида юқори турувчи маъмурий орган маъмурий ишни тўлиқ ҳажмда кўриб чиқади.

67-модда. Маъмурий шикоятни кўриб чиқиш муددати

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган маъмурий шикоят бўйича ўттиз иш кунини ичиди қарор қабул қилиши шарт.

Маъмурий шикоят бўйича белгиланган муддатда қарор қабул қилинмаган тақдирда, манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат, процессуал ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат устидан суд тартибидида шикоят қилишга ҳақли.

68-модда. Маъмурий шикоятни қақриб олиш

Маъмурий шикоят берган шахс шикоят бўйича қарор қабул қилинганга қадар уни қақриб олишга ҳақли. Маъмурий шикоятни қақриб олиш ёзма ёки электрон шаклда расмийлаштирилади.

69-модда. Маъмурий шикоят бўйича қарор

Юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган маъмурий шикоят бўйича қуйдаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

- шикоят қилинган маъмурий ёки процессуал ҳужжатни ўзгартириш;
- шикоят қилинган маъмурий ёки процессуал ҳужжатга ўзгартиришлар киритиш;
- маъмурий ёки процессуал ҳужжати бекор қилиш ва зарурат бўлганда янги ҳужжат қабул қилиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қарорларни қабул қилиш мумкин бўлмаганда ёки мақсадга мувофиқ бўлмаганда, маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилинганда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган муайян маъмурий ҳужжати, процессуал ҳужжати қабул қилиш ёки муайян маъмурий ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини маъмурий органнинг зиммасига юклатиши мумкин.

Манфаатдор шахс маъмурий шикоят бўйича қабул қилинган қарорга рози бўлмаган тақдирда, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, унинг устидан ўттиз календарь кун ичиди суд тартибидида шикоят қилишга ҳақли.

70-модда. Шикоят қилинганда маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилингандаги маъмурий шикоят маъмурий органга рўйхатдан ўтказилган пайдан эътиборан унинг амал қилишини ва ижро этилишини тўхтатиб туриди.

71-модда. Маъмурий шикоятнинг ижросини таъминлайдиган орган

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминлайди.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминлайди.

72-модда. Маъмурий ҳужжати ихтиёрли ижро этиш муددати

Маъмурий орган томонидан маъмурий ҳужжати ихтиёрли ижро этиш учун белгиланган муддат, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлса, адресат қабул қилинган маъмурий ҳужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган кундан эътиборан беш календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

73-модда. Маъмурий ҳужжати ихтиёрли ижро этиш усули

Адресат маъмурий ҳужжатда белгиланган ижро этиш тартиби доирасида маъмурий ҳужжати ўзи учун ёки мақбул бўлган қонуний усуллар ва воситалар орқали ижро этишга ҳақли.

Ихтиёрли ижро этиш усули маъмурий ҳужжат талабларининг тегишли тарзда ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаши керак.

74-модда. Маъмурий ҳужжатнинг мажбурий ижро этилишига йўл қўйилмаслиги

Маъмурий ҳужжати мажбурий ижро этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини ихтиёрли равишда, тегишли тарзда ва тегишли муддатда бажарётган шахсга нисбатан маъмурий ҳужжати мажбурий ижро этишининг ҳеч бир чораси қўланиши мумкин эмас.

Агар адресат маъмурий ҳужжати мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш таҳиди остида ихтиёрли равишда ижро

этишга розилик билдирса ва ўз мажбуриятларини бажаришга киришса, тайинланган мажбурий ижро этиш чораси адресат маъмурий ҳужжати виждонан ва тегишли тарзда бажарётганда ижро этилмаслиги керак.

Адресатнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганлиги мажбурий ижро этиш чораси қўланилишини дарҳол бекор қилади.

75-модда. Мажбурий ижро чоралари

Маъмурий орган қонунда назарда тутилган ҳолларда қуйдаги мажбурий ижро чораларини қўллашга ҳақли: пулга оид мажбурият; маъмурий ҳужжатда назарда тутилган ҳаракатларни маъмурий орган ёки бошқа шахс томонидан қарздор ҳисобига амалга ошириш; бевосита мажбурият.

Мажбурий ижро чораси маъмурий органнинг ижро ҳужжати билан расмийлаштирилиши керак. Тегишли ижро ҳужжатини қабул қилмай туриб, мажбурий ижро чораларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Маъмурий орган мажбурий ижро чорасини тайинлашда маъмурий тартиб-таомиллар принциплариға амал қилиши керак.

Агар тайинланган мажбурий ижро чораси маъмурий ҳужжат талабларининг тегишли тарзда ва ўз вақтида ижро этилишини таъминламаган бўлса, маъмурий орган оғирроқ мажбурият чорасини қўллашга ҳақли.

Қонунда бошқа мажбурий ижро чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

76-модда. Маъмурий органнинг ижро ҳужжати

Маъмурий ҳужжат адресат томонидан тегишли тарзда ва тегишли муддатда ижро этилган тақдирда унинг мажбурий ижросини таъминловчи процессуал ҳужжат маъмурий органнинг ижро ҳужжатида. Агар ушбу бобда ёки бошқа қонунда ўзгача қоида назарда тутилган бўлса, ижро ҳужжатларига нисбатан ушбу Қонуннинг 4-бобида назарда тутилган талаблар ва қоидалар қўлланилади.

Агар қонунда бошқача қоида белгиланган бўлса, ижро ҳужжати таъминловчи орган томонидан ўз ташаббусига кўра ёки ижро этилаётган маъмурий ҳужжат маъмурий иш юритиш бошқа ишторқочинининг қайси талаби натижасида қабул қилинган бўлса, ўша талабга кўра, ихтиёрли ижро этиш муддати ўтгач уч иш кунини ичиди қабул қилинади.

Маъмурий органнинг ижро ҳужжати фақат ёзма шаклда қабул қилинади ва ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилиш мақсадида адресатга, шунингдек маъмурий ҳужжатнинг мажбурий ижро этилишини талаб қилаётган шахсга бир иш кунини ичиди юборилиши керак.

Ижро иштини юритишда маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганлиги учун ўзига нисбатан ижро ҳужжати қабул қилинган адресат — мажбуриятли шахс, ижро ҳужжати қайси шахснинг фойдасига ёки қайси шахс манфаатларини кўзлаб қабул қилинган бўлса, ўша шахс ундирувчи бўлади.

77-модда. Ижро ҳужжатини ижро этиш

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, ижро ҳужжати мажбурийлиги шахс унинг қабул қилинганлиги тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайдан эътиборан камида беш кун ўтгач ижро этилади. Мажбуриятли шахсини тегишли тарзда хабардор қилиш имкони бўлмаган тақдирда, ижро ҳужжати тегишли тарзда хабардор қилиш имконсизлиги факти расмийлаштирилган пайдан эътиборан беш кун ўтгач қўлга кирди ва ижро этилади.

78-модда. Пулга оид мажбурият

Пулга оид мажбурият ундирилиши лозим бўлган муайян суммани тайинлашда ёки ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня тўлашда ифодаланishi мумкин.

Пулга оид мажбуриятнинг энг кўп миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

79-модда. Маъмурий ҳужжатда назарда тутилган ҳаракатларни маъмурий орган ёки бошқа шахс томонидан қарздор ҳисобига амалга ошириш

Агар маъмурий ҳужжатда назарда тутилган бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш мажбурияти адресат томонидан бажарилаётган бўлса, аммо у бошқа шахс томонидан бажарилиши мумкин бўлса, маъмурий орган ушбу ҳаракатни мажбуриятли шахс ҳисобидан амалга ошириш учун бошқа шахсини жалб этиши мумкин. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминловчи орган ушбу ҳаракатни мажбуриятли шахс ҳисобидан ўзи амалга оширишга, агар бу мумкин бўлса, ҳақли.

80-модда. Бевосита мажбурият

Агар енгилроқ чоралар маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминлай олмаса ёки объектив ҳолатларга кўра уларни

қўллаш мумкин бўлмаса, маъмурий ҳужжатнинг ижросини таъминловчи орган, ўзида тегишли ваколатлар мавжуд бўлган тақдирда, мажбуриятли шахсини қонунда белгиланган тартибда маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга бевосита мажбурият, бундай ваколатлар мавжуд бўлмаганда эса тегишли ижро ҳужжатини ижро этиш борасида кўмаклашиш учун ваколатли давлат органиға мурожаат қилишга ҳақли.

81-модда. Мажбурий ижро чораларини қўллаш тўғрисида оғохлантириш

Ушбу Қонуннинг 75-моддасида назарда тутилган ҳолда маъмурий орган мажбуриятли шахсга мажбурий ижро чораларини қўллаш тўғрисида оғохлантириш бориши ва маъмурий ҳужжати ихтиёрли ижро этиш учун қўшимча муддат белгиланиши мумкин. Агар мажбуриятли шахс белгиланган қўшимча муддатда ўз мажбуриятларини бажармаса, маъмурий орган мажбурий ижро чорасини бир иш кунини ичиди қўллади.

82-модда. Маъмурий орган томонидан маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик

Агар маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжат бўйича ўз мажбуриятларини маъмурий ҳужжатда белгиланган ижро муددати ичиди ёки, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, маъмурий ҳужжат қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичиди тегишли тарзда бажармаса, манфаатдор шахс бундай бажармаганлик устидан маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилиш учун белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

83-модда. Ижро иши юритишдаги харажатлар

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳужжати мажбурий ижро этиш бўйича қилинган харажатларнинг ўрни мажбуриятли шахс ҳисобидан қопланади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

84-модда. Маъмурий регламентлар

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлса, маъмурий ишларни ҳал қилиш, маъмурий ва процессуал ҳужжатларни қабул қилиш, маъмурий ҳужжатларни ижро этиш, шунингдек маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш бўйича маъмурий органлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи маъмурий регламентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

85-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

86-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтурилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти тушунтурилишини таъминласин.

87-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

88-модда. Ушбу Қонуннинг қўлган кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач қўлга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 8 январь № УРК—457

Хориждаги маъмурий таниқли ўзбек кардиологари Ватанига қайтди

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Олим ўзининг меҳнат фаолияти давомида Луска (Замбия)даги Университет шифохонасининг Кардиологари марказига асос солган. Қ. Бобононов у ерда юрак патологияси билан боғлиқ 200 дан зиёд операцияларни бажарган. Хизмат кўрсатган тиббиёт ходими турли патологиялар ҳолатида оқич юракда ҳаммаси бўлиб 8000 операция ўтказган. Жумладан, митрал ва аортал клапанларни протезлаш, икки клапанли протезлаш, Фалло тетрадаси касаллиги ва бошқа мураккаб туғма нуқсонлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширган.

1986 йили Қ. Бобононов собиқ

иттифоқ олий аттестация комиссияси қарорига биноан, юрак-қон томирлари жарроҳлиги бўйича тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олган. 2004 йили эса Украина олий аттестация комиссияси қарорига биноан, юрак-қон томирлари жарроҳлиги бўйича тиббиёт фанлари доктори бўлган. У олти нафар фан номзодини ҳамда бир нафар фан докторини тайёрлаган.

Олим турли табобат нашрларида чоп этилган 271 илмий мақоланинг ҳамда "Болалар кардиологарида анестезиолог таъминот ва интенсив терапия" номли монографиянинг муаллифидир.

«Жаҳон» АА Кнел

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 145. 144 165 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоеси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНИЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 145. 144 165 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоеси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНИЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Бош прокуратура ҳузуринда Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази ташкил этилди.

Эндиликда марказ ислохотлар, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан кенг жамоатчиликни таништириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, одамларнинг қизиқини уйғотган воқеалар ҳақида ўз вақтида, тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларни етказиш каби муҳим вазифаларни амалга оширади.

— Марказнинг биринчи галдаги вазифаси, аввало, прокуратура органлари фаолияти оқиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган, — деди марказ директори Б. Алиханов. — Марказ қисқа вақт ичиди энг замонавий компьютер техникаси, зарур асослар билан жиҳозланди. Жамoa ёш, тадрибаби ишкорлардан иборат бўлиб, улар тезкор хабарлар, тергов ва ҳукм, қонунчиликдаги янгиликлар, долзарб мавзуларда ҳамкорликда аудио ва видеореоликллар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий реклама, воқеалар жойидан репортажлар, ҳужжатли фильмлар ва детектив сериаллар тайёрланади.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган маълумотлар таҳлили шунини кўрсатаптики, нотўғри, асосга эга

булмаган бузғунчи гоҳларни тарғиб қилувчи ахборотлар сони бугунги кунда тобора кўпайиб бормоқда. Марказ ана шундай материалларга ҳам муносабат билдиради, яъни мавжуд ҳолат таҳлилий ўрганилиб, расмий маълумот берилади. Натихада аҳоли ўртасида ноаниқликларга чек қўйилади, турли ахборот хуржурларига ўз вақтида жавоб қайтарилади.

Тадбир давомида, шунингдек, Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Ўзбекистон" Миллий агентлиги, Тараққиёт стратегияси маркази, Халқаро пресс-клуб ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Қобил ХИДИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров,  
Навбатчи — Д. Каримов,  
Мухасҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқини — 23.15 Топширилди — 23.50 2 3 4 5 6